INV.№ 209

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 16 январь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 4 (7098)

Da'vat

Илгарилари табиати бой мамлакатлар энг бадавлат мамлакатлар ҳисобланарди; эндиликда одамлари ғайратли бўлган мамлакатлар бадавлат ҳисобланади.

Генри БОКЛЬ

Ibrat

Сирдарё вилояти ҳокимининг фармойишига асосан, вилоятдаги 10700 дан зиёд кам таъминланган оила фарзандларига 32 миллион сўмлик қишки кийим-кечаклар олиб берилди.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистн Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

• Вазирлар Маҳкамасида муборак Ҳаж сафарини ташкил этиш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• Японияда қалин қор туфайли Токио билан Аомори шаҳрини боғлайдиган поезд йўли ҳаракатдан тўхтади. Акита шаҳрида эса транспорт йўналиши тақа-тақ беркилди.

• Арманистон Президенти Роберт Кочаряннинг укази Валерий Кочарян мотодельтаплан ҳалокатга учраши натижасида ҳалок бўлди.

• Хитойнинг Линхай шаҳрида ишиз қолган ишчи автобусни портлатди, натижада 15 киши фожеа содир бўлган жойда ҳаётдан кўз юмди.

• Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов Ашгабатда қурилиши мўлжалланган Мустақиллик ёдгорлиги лойиҳаси учун танлов эълон қилди, бироқ танлов совринсиз бўлиб, ғолиб ушбу улкан иншоотни бунёд этиш учун шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлади, холос.

«УМИД»НИНГ УЧИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

«Умид» чинакам ижобий маънодаги сўз, унга яхши истаклар жамланган. «Умид» жамғармаси қанчадан-қанча ёшларни кашф қилди ва бу жараён тўхтагани йўқ, тобора мукаммаллашмоқда.

«Умид» иқтидорли ёшларни чет элларда ўқиш учун саралайди. Янги ўқув йилини ривожланган хорижий давлатларда бошлашниятидаги талабаларни саралаш танлови республика Банк-молия академиясида давом этмоқда.

Мухбиримиз мазкур жамғарма ижрочи директорининг ўринбосари Ботир Убайдуллаев билан суҳбатлашди.



— Ботир ака, танлов нима учун Банк-молия академиясида ўтказилмоқда?

— Негаки академияда бунга база етарли.

— Сон ва салмоқ жиҳати ҳақида гапириб берсангиз.

— Жами 2000 та ҳужжат келиб тушди. Мутахассисликлар эса 31 та. Хорижий давлатларда ўқишга қизиққан талабалар сони йилдан-йилга ошса ошяптики, камайгани йўқ. Ўтган йилги билан бу кўрсаткични солиштирганимизда даъвогарлар сони 15,7 фоизга ошди. Бу бизни қувонтиради, албатта. Ўз навбатида қизиқиш қандайдир даражада имкониятларни кенгайтиришга замин тайёрлайди. Буни биринчи навбатда, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг хорижий тилларни ўрганишга бўлган мойилликлари кучайгани билан изоҳлаш мумкин.

— Демак, талабаларнинг тил билиш даражаси энг жуда муҳим ҳисобланадида?

— Танлов икки босқични ўз ичига олади. Тил билиш даражаси ва мутахассисликлар бўйича имтиҳон. Илк босқичда йигит-қизларнинг инглиз, немис, француз тилларини билиш қобилияти синаб кўрилди. Натижалар ҳали маълум эмас. Кейинги синов талабанинг ўз мутахассислигини қай даражада эгаллашини инобатга олади. Икки босқич ҳам танловда муҳим роль ўйнайди.

— Мутахассисликлар қайси даражага мўлжалланяпти?

— Саволингиз ўринли. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда мутахассисликлар магистрлик ва бакалаврлик даражаси билан белгиланади. Хўш, уларнинг қай бирига эҳтиёж кўпроқ?

Кузатишлар шуни кўрсатадики, мамлакатимизга магистрлар кўпроқ керак. Ана шуни назарда тутган ҳолда, биз 300 та Президент грантидан 240 тасини магистр босқичига мўлжалладик. Яна бир жиҳати борки, магистратурага хорижий давлатларда, хусусан, АҚШда икки йил, Англияда бир йил талаб қилинади.

— Танлов ҳақида хулоса чиқаришга ҳали эрта. Лекин бу ҳақда умумий фикрингиз қандай?

— Ишларимиз ниҳоятда тиғиз. Энг муҳими, бу елибюгуришларимиз натижасида энг иқтидорли, салоҳияти юксак ёшлар кашф қилинади. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Франция, Италия каби тараққий этган мамлакатлар ўзбек талабаларини ўз бағрига олади. Билим ўчоқларида таҳсил олган бу жўшқин ёшлар, худо хоҳласа яна ўз Ватанимизга қайтадилар...

* * *

Нимадир қўшимча қилишнинг ҳожати ҳам йўқ. Шуни «илдириб» ўтишни истардикки, танловда ҳамма ғолиб чиқмайди, бу саноқли талабаларга насиб қилади. Ва бу бахтга эришган талабалар шуни унутмасинларки, берилаётган имконият халқимиз ва давлатимизга юз хизматлар билан қайтарилиш керак.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА суҳбатлашди.

Суратда: «Умид» жамғармасида хорижда таҳсил олиш учун талабалар имтиҳон топширмоқдалар.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

Ўқитувчи ёки дафтарига

СОҒАЙИШ ШАРТИ

Яқинда Лондон шифохоналарида мутахассислар яна бир тадқиқот ўтказишди. Бачадон раки касаллигига яқинда чалинган аёллар текширилиб, уларда унча катта бўлмаган шишлар борлиги аниқланди. Маълум бўлишича, бу аёллар барчаси узоқ вақтдан бери тамаки чекиб келар экан. Уларга соғайиш шарти сифатида 6 ой чекмасликни таклиф қилишди. Натижада чекишни ташлаган аёллар бачадонидаги шишлар қайтганлиги кузатилди.

ЖИДДИЙ ХАТАР

Дарҳақиқат, бугун инсоният олдида турган жиддий хатарлардан бири кашандаликдир. Маълумотларга қараганда, ҳозир ер юзи аҳолисининг 50-60 фоизи тамаки чекади. МДҲ ҳудудида эса бу кўрсаткич 60-70 фоизни ташкил этади. Мутахассислар, агар тамакига бўлган талаб ҳозирги даражада ошиб бораверса, ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг 1,25 миллиардидан 250 миллиони тамаки заҳридан нобуд бўлиши мумкин, деб ҳисобламоқдалар.

ЧОРАСИ ТОПИЛМАЯПТИ

Швецияда сил касаллигининг қийин даволанадиган тури пайдо бўлди ва ҳозирда 242 нафар мамлакат фуқароси шу дардга чалинган деб ҳисобланмоқда. Швециянинг юқумли касалликларга қарши кураш институти профессори Ву Никлассоннинг айтишича, бу касалликка қарши қўлланилаётган антибиотиклар иш бермаяпти. Ачинарлиси, бу касалликка кўпроқ болалар дучор бўлишмоқда.

АҲОЛИСИ КАМАЙМОҚДА

ЮНИСЕФ халқаро институти тарқатган хабарга қараганда, айни пайтда Венгрияда катта ёшдаги аҳолининг ҳар тўрт нафаридан бири ёлғиз яшамоқда. Бир йилда тузилган никоҳларнинг деярли ярми бузилиб кетаётган бир ҳолатда, мамлакатда 22 фоиз болалар никоҳсиз туғилмоқда. Венгрия аҳолиси 1990 йилдан буён тўрт миллион кишига камайганлигига бош сабаб ҳам юқоридаги ҳолатлар бўлса, ажаб эмас.

Muhokama

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТГА БИЛИМДОН ЁШЛАР КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясидаги нутқидан ва ушбу нутқ юзасидан Парламент қабул қилган қарордан келиб чиқадиган вазифаларни бажарувчи Олий Мажлис комиссиясининг фуқароларни ҳуқуқий тарбиялашни яхшилаш масалалари бўйича ишчи гуруҳининг сайёр мажлиси Янгийўл шаҳрида бўлиб ўтди.

Уни Конституциявий суднинг раиси, гуруҳ раҳбари Б. Эшонов олиб борди. Мажлисда Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи О. Тожиевнинг вилоятда ёшларнинг ҳуқуқий таълим ва тарбияси муаммолари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Унда айтилишича, вилоятда аҳолини ҳуқуқий тарбиялашни такомиллаштириш юзасидан белгиланган тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилган. Вилоятдаги ўрта мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида инсон ҳуқуқлари асосларини ўқитиш ҳамда ҳуқуқий билимларни такомиллаштириш тизими яратилмоқда.

Маълум муддат ичида ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш борасида вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси, жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларининг маҳаллий бўлимлари, жамғармалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан эътиборга лойиқ муайян ишлар қилинди.

Шунингдек, муҳокамаларда бу йўналишдаги ишлар такомиллаштирилиши лозимлиги таъкидланди. Тегишли ташкилотларнинг раҳбарларига ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш, замонавий, ўзгариб бораётган жамият ҳаётига мослашиш, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ҳамда ўзлаштириш, жамият, давлат ва оила олдидаги ўз масъулиятини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялаш учун шарт-шароит яратишга қаратилган фаолиятларини кучайтириш тавсия этилди. Бунда ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш ишига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларини кенгроқ жалб этиш лозимлиги уқтирилди

МУХБИРИМИЗ

Faxr

КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ЎМКҲТ Марказида мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида барча соҳа эҳтиёжлари учун зарур бўлган малакали кадрларни тайёрлаш ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантиришда катта хизматлари учун бир гуруҳ юртдошларимизга Россиянинг А. Г. Неболсин номидаги премияси лауреати унвонини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

ОЎМТ вазирлиги, ЎМКҲТ Маркази ходимлари иштирок этган ушбу тадбирда, Марказ раисининг муовини Х. Маъсудов йиғилганларга бугунги кунда республикамизда қабул қилинган янги таълим тизимининг ўрта поғонасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритиб, айни кунда Ўзбекистондаги таълим ислоҳотларига кўпгина давлатлар яхши баҳо бериб, қизиқиш билан қараётганлигини таъкидлади. Жумладан, Санкт-Петербург акмевиталогик фанлар академияси ҳам юртимизда ушбу соҳада кечаётган тезкор ўзгаришларни ижобий баҳолаб, йилига бир марта бериладиган Санкт-Петербург касб-ҳунар таълими жамғармасининг А. Г. Неболсин номидаги премиясига 1998 йил ўзбекистонликлар муносиб топилганлигини эълон қилди. Санкт-Петербург акмевиталогик фанлар академияси президенти, А.Г. Неболсин жамғармаси бошқарувининг аъзоси, профессор Н. А. Лобанов мазкур жамғарманинг бу йилги совриндорлари, яъни Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи муовини, ЎМКҲТ Маркази раиси, педагогика фанлари доктори, профессор Рисбой Хайдарович Жўраев, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти директори, иқтисодиёт фанлари номзоди Хикматулла Фатхуллаевич Рашидов, Тошкент вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Акмал Йўлдошев ва Наманган вилоят Поп қишлоқ хўжалик лицейи директори, педагогика фанлари номзоди Абдураҳмон Мамажоновларга лауреатликнинг кўкрак нишони, дипломи ва эсдалик совғалар топширди.

Тақдирлаш маросимидан сўнг санкт-Петербурглик меҳмонимиз жаноб Н. А. Лобанов билан мулоқотда бўлдик.

— Николай Андреевич, жамғарма ҳақида қисқача маълумотлар берсангиз?

(Давоми 3-бетда)

КЎЗГУДА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
2-бет

ТАЪЛИМНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ
2-,3- бетлар

Milliy dastur amalda

ЎЗГАРИШЛАР МАРОМИГА МОСЛАШИБ

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» талаблари асосида университетимизда таълим-тарбия жараёнини бекаму кўст йўлга қўйиш, барча бўғинлардаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида ректорнинг 1997 йил 20 сентябрда махсус буйруғи қабул қилинган эди. Унга мувофиқ, 23 кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Гуруҳ дастурни амалга оширишга киришди.

Профессор-ўқитувчилар олдида турган вазифаларни атрофлича таҳлил қилиш асосида университетимизнинг илмий-услубий салоҳиятига тўғри келадиган аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди ва гуруҳ зиммасига юклатилди. Ишчи гуруҳи миллий дастурни рўёбга чиқариш билан боғлиқ қатор муаммоларни СамДУ жамоаси олдига қўйиб, уларни ҳал қилишда ташкилотчилик ва сафарбарлик қилмоқда.

1998 йил апрель ойида СамДУнинг бир гуруҳ педагог олимлари «Академик лицейларда профессионал таълимнинг мазмуни, шакл, усул ва воситаларини ишлаб чиқиш» мавзуси бўйича илмий лойиҳа тайёрлашиб, ЎзР Фан ва Техника Давлат қўмитасига жўнатишди. Қўмита мутахассислари мазкур лойиҳани ўрганиб чиқиб, уни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда ишлаб чиқишни тавсия қилдилар.

Таклифни мазкур илмий-тадқиқот институти раҳбарияти ҳам маъқуллади. Шу боисдан ҳам юқорида кўрсатилган илмий лойиҳани тадқиқ қилиш дастурининг биринчи босқичи бошланди. Яъни академик лицейлар учун дастурлар ишлаб чиқила бошланди.

(Давоми 3-бетда)

Maktabgacha ta`lim

Мустақил Республикамизда юз бераётган янгиланиш ва покланиш халқ таълими тизимининг мазмуни,мундарижасини янгидан шакллантириш ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу кўп жиҳатдан унинг бошланғич босқичи бўлган мактабгача ёшдаги болалар тарбиясига боғлиқлиги шубҳасиз.

Бугунги кунда халқ таълими олдида ўзлигини англайдиган, миллатни жаҳонга танита оладиган шахсни тарбиялаш вазифаси турибди. Демак, болаларимизга миллатимиз руҳига мос, теран, шарқона тарбия бериш ҳозирги давр талабидир. Янги авлодни тарбиялашдек ўта долзарб ишни уддалаш ва болаларни мактабга тайёрлаш масалаларини амалга ошириш учун тинмай ўрганиш, изланиш, ижодкорлик билан янгича услублар топиш зарур.

Ҳозирда республикада болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш 19,5 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса ўз навбатида мактабгача таълим муассасалари ва оиладан мактабга келган болаларнинг тайёргарлик даражаси ўртасида сезиларли тафовут мавжудлигини кўрсатади. Бу муаммони ҳал этиш учун Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим бошқармаси «Болаларни мактабга тайёрлаш» масалаларини амалга ошириш бўйича тадбир ишлаб чиқди ҳамда уларни бажаришга оид ишларни бошлаб юборди. Мазкур тадбирни амалга оширишда Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси халқ таълими Бош бошқармаси билан ҳамкорликда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш борасида «Болаларни мактабга тайёрлаш» мавзуида ўтказилган республика анжуманидан яқиндан ёрдам берди.

Анжуман қатнашчилари болаларни мактабга тайёрлашда янги педагогик технологияларни қўллаш, болаларни мактабга тайёргарлигини аниқлаш усуллари ва шу йўналишда боғча ва мактаб ҳамкорлиги, қишлоқ шароитида болаларни мактабга тайёрлаш, мактабгача таълим муассасаларига тортилмаган болалар, уларнинг ота-оналари учун ташкил этилган «Якшанба мактаблари», «Саводхонлик марказлари», боғча, мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигидаги ишлар билан таништирилди ва ҳар бир вилоят вакилига амалий ёрдам тариқасида ҳужжатлар туплами берилди.

Анжумандан сўнг вилоятларда бу борада амалга оширилаётган ишлар билан танишиш ва жойларда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида хизмат сафарига чиқилди.

Сафар давомида шу нарса маълум бўлдики, ушбу масала барча вилоят халқ таълими бошқармалари кенгашида муҳокама қилиниб, тадбирлар ишлаб чиқилган. Тошкентда бўлиб ўтган анжуманда сўнг, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг мутахассислари томонидан ана шундай семинарлар уюштирилган ва берилган материаллар шаҳар, туман халқ таълими бўлимларига тарқатилган. Шаҳар, туман халқ таълими бўлими мутахассислари томонидан эса ушбу ҳужжатлар тўплами ҳар бир мактабгача таълим муассасаларига етказилган.

Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда Енгил саноат вазирлигига қарашли «Кичкинтой» (ҳозирда ёпилиб қолган) болалар боғчаси ўрнига «Илк ривожлантириш маркази» ташкил этди. Ушбу марказга боғчага тортилмаган болаларни мактабга тайёрлаш ҳамда уларнинг иқтидори, қизиқишини аниқлаш ва шакллантириш кўзда тутилди. «Илк ривожлантириш маркази»нинг моддий таъминотига вилоят хотин-қизлар қўмитаси жалб қилиниб, унинг фаолиятини хорижий давлатлар инвестицияси

(Давоми 2-бетда)

ҚАДАМ СОБИТ БЎЛСА

Sinab ko'ring

РЕЙТИНГГА КЎНИКТИРАДИ

Мен бир неча йилдан буён ўқувчиларни дарсларга қизиқтиришнинг ғалати бир услубини тажриба қилиб келмоқдаман.

Ўқувчилар таълим-тарбиясини янада яхшилаш мақсадида қизиқтириш варақлари ташкил қилдим. Синфимда неча ўқувчи бўлса шунча варақ тайёрладим. Ҳар бирининг юқори қисмига ўқувчининг исми ва фамилиясини, навбати билан фанларни ёзиб чиқдим. Дарс охирида ўқувчиларимга бу иш моҳияти ҳақида тушинтирдим.

Шунингдек, синфда 3 та гуруҳ ташкил қилдим. Ҳар бир ўқувчи варағидаги фанлар тўғрисида олган баҳоларни қўйдириб боришларини тушунтирдим. Ҳар ҳафтанинг охирида олган баҳолари йиғиндиси ҳисоблаб-жамлаб балл сифатида варағининг ўнг бурчагига ёзиб қўйилади. Улар орасида нисбатан кўп балл тўплаганларга 1-2-3 ўринлар берилади. Ўрин олган ўқувчилар имкониятимизга қараб ўзига хос тақдирланадилар. Бунда ҳар бир гуруҳдан 3 тадан - 9та ўқувчи тақдирланади.

Ўқувчиларни гуруҳларга ажратишда энг аълочилар алоҳида, яхши ўқийдиганлар алоҳида, шунингдек, бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар алоҳида гуруҳларга бирлаштирилди. Бунда энг аълочи ўқувчиларни ва яхши ўқувчиларни янада фаоллаштириш мақсадим бор эди.

Ҳақиқатан ҳам энг бўш ўзлаштирувчилар гуруҳидан ҳам нисбатан фаоллари чиқиши табиийдир.

Гуруҳларни ташкил қилишда ўқувчиларнинг билим савиялари ўзларига эълон қилинмаган ҳолда, гўё ўзи шундай бўлиши керакдай муҳитни ҳосил қилдим. Ҳар бир гуруҳ ўқувчилари ўзлари сезмаган ҳолда бир-бирлари билан мусобақага киришиб кетдилар.

Баъзан имконият туғилганда бир дарсда бир нечта ижобий баҳо олиб ва уни варағига қўйдириб олишга интилади. Ахир қайси ўқувчи ўртоқлари олдида тақдирланишни истамайди дейсиз?

Шундай қизиқарли жараён давом этаётган бўлсада ўқувчиларда, айниқса, бўш ўзлаштирувчилар орасида баъзан турли сабабларга кўра ёмон баҳо олиб туриш ҳоллари бўлиб туради. Бундай ёмон баҳо олишнинг ғолибликка салъбий таъсири борлиги тушунган ўқувчи, ёмон баҳо олса, ўқитувчидан варағига ёмон баҳони қўймай туришни сўрайди ва ўз хатосини албатта тузатишга ваъда беради. Бунга ҳам рози бўлиш керак.

Ушбу усулни бошланғич синфларда рейтинг усулига ўтишдан олдинги ўрганиш машқи дейиш ҳам мумкин.

Эшболта ХЎЖАЕВ,
Ғузор туманидаги 23 - мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

МММ XABARLARI

G'OLIBLAR TOSHKENTGA BORADI

Sirdaryo viloyati Oq-oltin tumanidagi 6-maktabning qozoq tili va adabiyoti o'qituvchisi, xalq ta'limi fidoyisi Ayjarqin Saidvaqosova ko'p yillardan buyon o'quvchilar qalbini Abay, Muxtor Avezov, Saken Sayfullin asarlari bilan oshno etib keladi. Yaqinda 11-sinf o'quvchilari o'rtasida o'tkazilgan ayni fan olimpiadasida o'quvchilarning naqadar bilimliliklari namoyon bo'ldi. G'oliblar N. Akbarov va N. Sheraliyevalar respublika olimpiadasida qatnashadilar.

A.JAVLONOV

DILLARDA BOBOLAR YODI

Samarqand viloyati Qo'shrabot tumanidagi 55 - maktabda 6-7-sinf o'quvchilarining «Barchinoy» va «Boychibor» guruhlari o'rtasida buyuk bobolarimiz Jaloliddin Manguberdi, Imom Al-Buxoriylar hayoti va Alpomish siymosi mavzuida bellashuv bo'lib o'tdi. Har ikki guruh ham savollarga aniq va lo'nda javob bera oldilar. Tadbir davomida o'quvchilar sahna ko'rinishlari va kuy-qo'shiqlarni mahorat bilan ijro etdilar.

N.NAVRO'ZOVA

YETAKCHILAR ANJUMANI

Bekobod tumani 29- maktabda tuman maktablari yetakchilarining seminar kengashi bo'lib o'tdi. Bolalar ijodiyoti markazi bosh uslubchisi Zohida Suvonova tuman maktablari yetakchilarining olib borayotgan ishlari haqida tahliliy ma'ruza qildi. Ayniqsa, «Ekoligiya va Ona-yurt» yo'nalishi bo'yicha ish olib borayotgan yetakchilar ishi ko'pchilik tomonidan yuksak baholandi. Anjuman 6-sinf o'quvchilarining muchal to'ylari bilan nihoya topdi.

M. HAMDAMOVA

МММ XABARLARI

TABIAT KECHIRMAYDI...

Yaqinda Toshkent tumanidagi 9-maktabda «Ёшлар одоби ва экология» мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди. Анжуманда туман мактабларининг «Одобнома» фани ўқитувчилари ва ўқувчилар иштирок этишди.

Мактабнинг 9-«Б» синфида ўтказилган «Инсон нафси ва атроф-муҳит» мавзусидаги очиқ дарс ҳам ушбу анжуман дастурига киритилган эди. Одобнома ўқитувчиси Рихсивой Эралиев нафс ва унинг зарарли томонларини шарҳлаб, ибратли ривоятлардан намуналар келтириб ўтди.

Бозор иқтисоди шароитида кўпчилик нима қилиб бўлса ҳам, кўпроқ фойда кўришга интилиб, яъни мол-дунё орттириш нафсига берилиб кетаётгани сир эмас. Афсуски, бундайлар халқимизнинг юксак маънавий қадриятлари, айниқса атроф-муҳит озодалиги соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишнинг асосий шарти эканлигини унутиб қўймоқдалар. Бунга бефарқ қарасак, она табиатга меҳримиз сусайиши, маънавиятимиз қашшоқлашуви, шубҳасиз. Бунинг устига кундалик турмушимизда ҳам табиат муҳофазасига эътиборсизлик ҳолатлари кўп учрайди. Масалан, чиқиндиларни ариқларга, йўл чеккаларига ташлаш, дарахтларни синдириш, майсазорларни пайҳон қилиш, ичимлик сувини беҳуда оқизиб исроф қилишимизни табиат асло кечирмайди.

Очиқ дарс ниҳоясида ўқувчиларга шунга ўхшаш салбий ҳолатларга лоқайд бўлмай, ҳозирданоқ она юртимиз табиатини қадрлаш, асраб-авайлаш учун курашувчи инсонлар бўлиб етишмоққа интилиш лозимлиги уқтирилди.

Анжуман иштирокчилари ўқитувчилар Санобар Шокирова, Севара Азимова, Муқаддас Мирзалиеваларнинг ўқувчилар билан табиат муҳофазаси бўйича ўтказган амалий машғулотлари, кўргазмали тадбирларини ҳам кузатиб, муҳокама қилдилар.

Бундай хайрли ишларда республика ёшларининг «Биоэкосан» ўқув-услубий мажмуаси ходимлари туман ўқитувчиларига яқиндан ёрдам беришаётир.

Илҳом АМИНОВ

DTM tahlili

КЎЗГУДА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Жиззах вилоятидан 1998 йилда 8,5 мингдан ортиқ абитуриент тест имтиҳонларида қатнашган. Бу Республикамиз бўйича 12-ўринни ташкил этади. Жавоблар самарадорлиги ўзбек гуруҳларида 36,9 % ни, рус гуруҳларида 37,47 %ни ташкил этиб, умумреспублика кўрсаткичидан пастдир.

Тест ўтказганда, Жиззах вилоятининг Бахмал, Арнасой туманлари нисбатан юқори кўрсаткичларга эришганлар. Бахмал тумани ўзбек тили ва адабиёти, математика, физика, биология, кимё, тарих фанларидан вилоят бўйича юқори кўрсаткичларга эришган. Лекин Дўстлик, Пахтакор туманларида кўрсаткич анча паст бўлган. Вилоятнинг Учтепа, Ғаллаорол, Маржонбулоқ, Зомин, Дўстлик, Пахтакор, Ўсмат, Арнасой туманларидан жуда кам абитуриентлар имтиҳонда қатнашган. Номлари санаб ўтилган ҳудудлардан кўпчилик соҳа бўйича абитуриентлар умуман йўқлиги маълумотномадан аниқ кўриниб турибди.

Вилоятдан география бўйича имтиҳон топширган абитуриентлар сони 100 нафарни ташкил этган. Сиртқи бўлимда ва ўрта махсус ўқув юртларида ўтказилган тестлар натижасида ҳам паст натижага эришилган.

Сиртқи бўлимда биологиядан 31 нафар, географиядан 3 нафар абитуриент имтиҳонда иштирок этган.

Ўрта махсус ўқув юртларида ўтказилган тестларда кимё фанидан 12 нафар абитуриент тестдан ўтган бўлса, физикадан битта ҳам абитуриент имтиҳон топширмаган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тест натижалари вилоят таълим тизимида кўпгина камчиликлар мавжудлигини аниқ кўрсатиб берган. Вилоят халқ таълими бошқармаси ва туманлар халқ таълими бўлимлари ўз ишларини танқидий ўрганиб, таълим ва тарбия соҳасида туб ўзгаришлар қилишлари зарур.

Жиззах вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
Ўрта махсус ўқув юртлари

№	Туман, шаҳар номи	Ўзбек тили ва ад.		Математика		Физика		Биология		Кимё		Тарих		География		Инглиз тили		Немис тили		Француз тили	
		Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %
1	Жиззах тумани	457	38,30	167	24,88	0	0,00	278	43,21	1	19,44	11	52,78								
2	Ғаллаорол тумани	419	41,27	184	29,21	0	0,00	198	43,91	4	33,33	32	56,77								
3	Зомин тумани	267	38,19	127	29,18	0	0,00	125	37,64	0	0,00	15	53,52								
4	Дўстлик тумани	136	40,26	64	31,94	0	0,00	60	42,55	2	19,44	10	46,67								
5	Мирзачўл тумани	30	38,89	11	27,53	0	0,00	14	39,29	0	0,00	5	43,89								
6	Пахтакор тумани	125	37,47	53	26,21	0	0,00	54	41,92	0	0,00	18	41,36								
7	Бахмал тумани	168	42,68	78	31,37	0	0,00	66	39,73	1	19,44	22	54,67								
8	Зарбдор тумани	153	40,31	59	25,00	0	0,00	76	45,25	0	0,00	18	54,01								
9	Фориш тумани	251	38,72	126	28,20	0	0,00	100	38,97	3	19,44	22	43,18								
10	Арнасой тумани	89	39,89	35	31,90	0	0,00	43	41,02	0	0,00	11	42,93								
11	Зафаробод тумани	120	35,81	56	28,27	0	0,00	47	38,95	1	30,56	16	39,06								
12	Жиззах шаҳри	258	38,31	128	26,63	0	0,00	117	44,73	0	0,00	12	41,67								
13	Учтепа шаҳри	2	29,17	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00								
14	Ғаллаорол шаҳри	35	37,86	32	27,00	0	0,00	2	16,67	0	0,00	0	0,00								
15	Маржонбулоқ шаҳри	2	40,28	2	26,39	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00								
16	Дўстлик шаҳри	8	38,89	7	30,16	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00								
17	Гагарин шаҳри	2	30,56	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00								
18	Пахтакор шаҳри	5	30,00	4	22,92	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00								

Жиззах вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимлари

№	Туман, шаҳар номи	Ўзбек тили ва ад.		Математика		Физика		Биология		Кимё		Тарих		География		Инглиз тили		Немис тили		Француз тили	
		Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %
1	Жиззах тумани	698	35,82	406	33,52	235	23,94	93	45,97	83	38,22	256	47,01	18	36,73	108	39,94	93	24,04	50	24,00
2	Ғаллаорол тумани	709	39,81	397	37,16	215	27,70	93	46,74	92	37,35	293	50,43	21	42,33	161	40,17	91	30,89	28	24,11
3	Зомин тумани	360	39,10	180	38,19	87	29,12	52	46,05	52	35,52	154	47,56	7	36,90	154	33,08	12	22,92	7	23,02
4	Дўстлик тумани	155	38,67	84	37,07	28	31,35	26	38,68	33	30,39	59	50,47	5	32,78	47	39,66	16	32,64	8	27,43
5	Мирзачўл тумани	35	30,48	17	22,88	11	24,24	5	35,56	5	37,22	15	33,89	0	0,00	11	35,86	2	19,44	2	31,94
6	Пахтакор тумани	178	35,08	82	32,35	46	25,60	39	47,44	36	37,19	68	43,34	4	51,39	40	35,21	20	27,92	13	23,08
7	Бахмал тумани	480	40,57	226	39,13	109	31,63	97	50,11	81	41,05	196	48,68	24	31,83	88	35,32	55	30,35	53	31,08
8	Зарбдор тумани	209	37,11	104	35,60	58	27,01	27	49,28	22	37,63	92	48,55	4	36,11	80	37,95	7	20,24	13	27,78
9	Фориш тумани	273	36,63	153	37,71	97	29,70	54	47,33	51	36,66	81	44,48	9	40,43	36	29,71	31	34,68	19	30,56
10	Арнасой тумани	91	41,03	33	41,50	15	30,56	17	44,28	17	34,15	46	51,27	1	36,11	27	38,89	7	23,81	14	27,58
11	Зафаробод тумани	134	34,72	75	35,48	40	26,88	18	38,12	18	36,27	45	56,60	4	31,94	31	31,45	7	23,81	23	27,66
12	Жиззах шаҳри	582	38,82	331	39,48	192	24,65	59	44,87	59	35,88	212	54,35	6	43,06	184	53,50	68	26,43	9	19,75
13	Учтепа шаҳри	4	33,33	4	41,67	3	30,56	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
14	Ғаллаорол шаҳри	18	35,65	13	37,82	9	36,11	2	90,28	2	56,94	3	37,96	0	0,00	4	56,94	2	22,22	0	0,00
15	Маржонбулоқ шаҳри	30	41,02	20	36,39	8	22,92	3	70,37	3	39,81	12	49,07	0	0,00	4	50,00	8	53,47	0	0,00
16	Зомин шаҳри	3	46,30	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	2	55,56	0	0,00	2	36,11	0	0,00	0	0,00
17	Дўстлик шаҳри	6	27,31	4	40,97	3	47,22	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
18	Гагарин шаҳри	2	36,11	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	2	29,17	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
19	Пахтакор шаҳри	10	30,56	6	30,56	5	20,56	0	0,00	0	0,00	4	48,61	0	0,00	3	32,41	0	0,00	0	0,00
20	Усмат шаҳри	5	36,67	3	51,85	0	0,00	2	34,72	2	22,22	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
21	Арнасой шаҳри	6	32,41	6	34,72	4	23,61	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00

Жиззах вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
Олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимлари

№	Туман, шаҳар номи	Ўзбек тили ва ад.		Математика		Физика		Биология		Кимё		Тарих		География		Инглиз тили		Немис тили		Француз тили	
		Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %
1	Жиззах тумани	231	38,05	146	29,03	64	24,26	4	52,08	25	27,33	98	43,82	0	0,00	45	36,98	62	22,80	17	22,06
2	Ғаллаорол тумани	185	43,44	116	35,85	49	28,97	8	38,19	16	26,04	94	46,93	1	44,44	41	40,18	35	21,43	7	33,33
3	Зомин тумани	137	40,41	92	30,04	35	28,41	1	47,22	7	19,84	75	41,52	0	0,00	57	32,12	7	20,63	0	0,00
4	Дўстлик тумани	58	41,19	38	29,31	16	29,51	2	50,00	5	26,67	26	51,71	0	0,00	18	33,64	9	23,15	2	15,28
5	Мирзачўл тумани	18	50,62	10	42,22	5	37,78	1	75,00	1	55,56	11	38,38	1	80,56	4	29,17	3	27,78	0	0,00
6	Пахтакор тумани	42	44,78	31	32,97	11	24,75	1	36,11	1	30,56	18	44,14	1	77,78	10	35,56	8	21,88	2	20,83
7	Бахмал тумани	144	44,52	87	32,31	35	28,25	7	49,60	11	39,90	81	48,08	0	0,00	36	33,26	19	23,39	11	25,51
8	Зарбдор тумани	52	43,32	33	33,92	6	24,07	5	65,56	5	19,44	31	43,64	0	0,00	16	39,06	5	18,89	3	17,59
9	Фориш тумани	49	41,50	30	30,83	19	32,75	1	36,11	1	19,44	25	42,11	0	0,00	8	43,75	9	26,54	5	21,11
10	Арнасой тумани	27	49,38	13	41,03	6	25,46	1	19,44	1	16,67	14	52,18	0	0,00	14	49,40	0	0,00	4	29,86
11	Зафаробод тумани	44	40,47	28	34,72	12	24,54	0	0,00	1	19,44	20	47,36	0	0,00	15	31,48	5	22,22	7	23,81
12	Жиззах шаҳри	242	36,46	186	31,02	88	22,82	3	37,04	33	23,40	74	47,90	0	0,00	60	41,57	31	23,84	9	23,46
13	Учтепа шаҳри	3	23,15	3	37,96	3	18,52	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
14	Ғаллаорол шаҳри	2	34,72	2	25,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
15	Маржонбулоқ шаҳри	13	41,24	10	39,17	6	35,19	0	0,00	0	0,00	5	45,00	0	0,00	0	0,00	4	49,31	0	0,00
16	Пахтакор шаҳри	2	47,22	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	2	45,83	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00

ЁШ ИЖОДКОР МУАЛЛИМ

Бугунги кунда республикамиз мактабларида фаолият кўрсатаётган ёш ижодкор ўқитувчиларимиз талайгина. Мухбиримиз яқинда пойтахтдаги 142 - ўрта мактабда бўлиб, мактаб директори Зулфия опа Исмоилова билан шу хусусда суҳбатлашганди. Мазкур мактабда бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган ёш ўқитувчи Шарофжон Сариев ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Шарофжон ҳали институтда ўқиб юрган вақтидаёқ, Тошкент шаҳридаги 71- мактабда ўз педагогик фаолиятини бошлаган эди. 1996 йил Низомий номли ТДПУ ни имтиёзли диплом билан тугатгач , бизнинг мактабда ишлай бошлади . Ҳозирда эса у мактабимизнинг кўзга кўринган ёш ўқитувчиларидан ҳисобланади. Мактаб жамоаси Шарофжонни жуда ҳурмат қилади. Ўтказиладиган ҳар бир байрам ва тадбирларда у ўз шогирдлари билан фаол қатнашади... Шарофжоннинг ҳар бир дарсининг ўзи бир олам. Донишмандлар айтганидек, ўз маънавий зебу зийнатларини шогирдларига сингдира олган устозларгина чинакам устоздирлар. Шарофжон ҳам шундайлар сирасидан. Шогирдлари уни ҳурмат қилишади. У ўз устида тинмай ишлайди, ҳар бир дарсга ижодий ёндошади, берилган масъулиятли вазифаларни чин юракдан бажаради. Яқинда мактабимизда ўтказилган туман бошланғич синф ўқитувчиларининг анжуманида ўтган очиқ дарси буни яна бир карра исботлади.



Айни пайтда Шарофжон Низомий номли ТДПУ аспирантурасида ҳам таҳсил олиб, матбуотда ўзининг илмий мақолалари билан қатнашиб келмоқда.

Дарҳақиқат, яхши ўқитувчи бўлишнинг биринчи шарти чин фидойи инсон бўлишдир. Тўғрилик, меҳрибонлик, камтарлик, софдиллик, сахийлик ва меҳнатсеварлик каби фазилатлар Шарофжонда мужассам. Юртимизда ана шундай ёш ижодкор муаллимлар сафи кенгаяверсин.

Ўз мухбиримиз

ҚАДАМ СОБИТ БЎЛСА

(Боши 1-бетда)

ҳисобига амалга ошириш режалаштирилди. Барча вилоятларда болаларни мактабга тайёрлаш масалаларини тарғиб қилиш, ота-оналарга яқиндан ёрдам бериш мақсадида газета ва телевидение жалб қилинган.

Қорақалпоғистон Республикасида тарғибот-ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилган бўлиб, «Соғлом авлод учун», «Болалар экрани», «Лотин алифбосини ўрганамиз», кўрсатувлари, «Эркин Қорақалпоғистон», «Вести Каракалпакистана», «Қорақалпоғистон ёшлари» газета саҳифалари орқали кенг тарғиб қилиниб борилмоқда. Сурхондарё вилояти мактаблари қошида боғчага тортилмаган болаларни мактабга тайёрлаш бўйича гуруҳларга керакли методик материаллар «Мураббий» газетаси саҳифаларида чоп қилинмоқда.

Андижон вилоятида «Зиёкор» видеоканали орқали «Болангиз мактабга тайёрми?» рукни остида ота-оналар учун кўрсатув ташкил этилган. Бу кўрсатув душанба ва жума кунлари эрталаб соат 6.00 да эфирга чиқади. «Зиёкор» газетасида мактабга тайёрлаш борасида қилинаётган ишлар ва янгиликлар кенг тарғиб қилинмоқда.

Вилоятлар ушбу масалага катта масъулият билан қарашгани бизларни жуда қувонтирди. Мактабгача таълим мутахассислари эса янгиликларга чанқоқликлари, ҳар бир ишга ижодий ёндошишлари давра суҳбатлари, учрашувлар давомида намоён бўлди.

Гулчеҳра МУСУРМОНОВА,
Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим бошқармаси мутахассиси

Pedagogik texnologiya

ТАЪЛИМНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

(Иккинчи мақола)

Педагогика фанлари доктори Нурали Саидаҳмедов кўп йиллардан буён таълимни технологиялаштириш мавзусини муайян педагогик тизим доирасида ўрганиб келмоқда 1993 йилда ёқлаган докторлик диссертациясида ҳам айнан шу мавзуга урғу берилган. Унинг бир талай матбуот нашрларида чиққан мақолаларида ҳам педагогик технология ва унинг бугунги кундаги аҳамияти хусусида сўз боради. Бугун эълон қилинаётган иккинчи мақола (биринчи мақола газетамизнинг 24.06.1998 йил сонида эълон қилинган) мазмунини ҳам шу мавзу ташкил этган.

Илмий-техника тараққиётининг жадал ривожланаётган босқичида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги, шунингдек ёшларни ҳаётга мукаммал тайёрлаш талаблари ўқитиш тизимига янги технологияларни тадбиқ этишни тақозо қилмоқда. Олимларнинг ва амалиётчиларнинг вақтли матбуот саҳифаларида педагогик технология /ПТ/ моҳиятини очиб беришга интилишлари ҳам шу эҳтиёж меваси. Яқинда У. Нишоналиевнинг «Инструментарий обучения, воспитания и развития» (Учитель Узбекистана 7/X.98) мақоласи газетхонлар ҳукмига ҳавола этилди. У билан танишишдан дастлабки таассуротим шу бўлдики, муаллиф педагогик технология назариясига тегишли бўлган баъзи тушунчаларни, хусусан, дидактик жараён структураси, ўқув материалини ўзлаштириш даражаси тавсифларини мавжуд адабиётлардан ўрганиб чиққан. Мақолада ўқув-тарбиявий жараён қонуниятларини ПТ нуқтаи назардан таҳлил қилишга ҳаракат қилинган ва қатор ижобий фикрлар билдирилган.

Шу билан биргаликда мақолада баъзи ҳолатлар илмий базисга эга бўлмаганлиги ва асосланмаганлиги учун ПТнинг таълимдаги ҳаракатлантирувчи кучига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Мисол учун:

«У ёки бу педагогик технологияни танлаш **(чизги бизники – Н.С.) мазкур дарс, машғулот билим ва кўникмаларни ўзлаштиришнинг қайси даражасига эришиш учун мўлжалланганига боғлиқ», деб ёзади муаллиф. Бу ерда шуни эслатиш жоизки, ПТ ҳеч қачон танланмайди, у тайёр ҳолда мавжуд ҳам эмас. Ҳар бир дарсда ечилиши лозим бўлган дидактик масалалар моҳияти ва даражасига қараб ўқитувчи ПТни шундай** лойиҳалайдики**, пировард натижада кўзланган мақсадга эришиш** кафолатланади**.**

Шунингдек, олимнинг ўқув материалини ўзлаштириш даражаларига мос келадиган ПТ (?), дидактик жараён тузилишига мосланган ПТ (?) тўғрисида билдирилган фикрларга ҳам қўшилиб бўлмайди. Сабабини кейинроқ, педагогик жараён мазмуни билан танишиш давомида билиб оласиз.

Биз биринчи мақоламизда (қаранг: Маърифат, 24.06.98) ПТ тушунчасига берилган таърифлар таҳлили, унинг умумий тузилиши (расм) ва сифат белгиларини изоҳлашга ҳаракат қилган эдик. Имкониятингиз бўлса яна бир марта ўша расмга назар ташланг ва хотирангизда педагогик тизим элементлари номини тикланг. Асосий эътиборни дидактик масалалар ва ўқитиш технологиясининг узвийлигига қаратинг.

Дарҳақиқат, XXI аср бўсағасида таълим тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, ҳаққоний двигатели – бу ўзида дидактик масалалар ва ПТни мужассамлаштирган педагогик тизим ҳисобланади. ПТнинг муваффақиятли лойиҳаланиши ва якуний натижанинг кафолатланиши ўқитувчининг дидактик масалалар моҳиятини чуқур англаб етиши ва дарсда уларни тўғри белгилаб олишига боғлиқдир. Бу вазифа ҳозиргача кўпчилик ўқитувчилар томонидан англашилмай келиняпти, улар методикани технологиядан ажрата олмаяптилар. Шу ўринда бу тушунчаларни аниқлаштириш керак бўлади.

Методика кўп ҳолларда ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат бўлади. ПТ эса ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда якуний натижани кафолатлайдиган масалалар йиғиндисидир**. Кейинги вақтларда ўқитиш назариясида ПТ тушунчаси кенг кўламда қўлланилмоқда ва турлича таърифланмоқда. Педагогик адабиётларда «технология» атамасининг хилма-хил кўринишларини учратиш мумкин: «ўқитиш технологияси», «таълимли технология», «маълумот технологияси», «ўқув жараёни технологияси» каби.**

Ўқитиш технологияси ПТга яқин тушунча бўлса-да, айнан шу маънони англатмайди, чунки у маълум предмет, мавзу ва саволлар доирасидаги аниқ ўқув материалини ўзлаштириш йўлини муайян технология доирасида ифода этади. Ўқитиш технологияси хусусий методика билан бир жисмдир. ПТ эса маълумот технологиясини жорий этиш тактикасини ифодалайди ва «ўқитувчи — педагогик жараён – талабалар» функционал тизими қонуниятларига тегишли билимлар асосида қурилади.

Шундай қилиб, ушбу мақолада ПТнинг лойиҳаланиши учун зарурий шартлардан бири – дидактик масалалар тўғрисида фикр юритамиз.

Чунки, ҳар бир ўқитувчи педагогик фаолиятига киришишдан олдин ҳал этилиши лозим бўлган педагогик масалаларни етарлича аниқ тасаввур этиши ва ифодалаши, шу билан биргаликда ўз ўқувчиларига ҳам тушунтира олиши керак.

Шу пайтгача таълим муассасасининг ўқитувчиси тасодифий ўқувчилар (талабалар) гуруҳининг аниқ ўрнатилмаган мақсадга эришиш учун ихтиёрий танланган таълим мазмунини ўзлаштиришга бўлган харакатларини бошқариб келди. Бу ҳолатни изоҳлашга ҳаракат қиламиз:

Нима учун тасодифий ўқувчилар гуруҳи деяпмиз? Маълумки, ўқув юртларига (олий, ўрта махсус, касб ҳунар, умумий ўрта мактаб) **ўқувчиларни қабул қилиш, асосан, икки омил воситасида, яъни ўзлаштириш даражасига ва ёшларининг тенглиги (яқинлиги)га қараб амалга оширилди. Айни пайтда абитуриентларнинг шахс сифатлари, қобилияти, фаолиятга қизиқиши йўналишлари ва бошқа индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинмади.** Натижада ўқув гуруҳлари тасодифий таркибли 11 та ўқувчилар сонидан тузилади, демак психологлар тили билан айтганда **«гетроген» гуруҳи таркиб топади. Боз устига бу гуруҳ ўқувчиларига бир хил ўқув фонди шароитида ягона таълим мақсадига эришиш зарурлиги уқдирилади. Бунинг эса амалда иложи йўқ. Илк олти ойлик сессия натижалари ҳам буни исботлайди. Ахир талабалар тест билан ўқишга кирган-ку, нима учун сессия натижалари ёмон? Сабаби нимада?** Сабаби эса юқорида тилга олинган омиллар: талабада қобилият ёки фаолиятга қизиқиш йўқ! Шу масалада битта фактни келтириб ўтиш ўринли бўлар. Республика Халқ таълими вазирлигида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да назарда тутилган айнан шу масала билан умумтаълим мактабларида шуғулланувчи «Истеъдод» Маркази (раҳбари проф.Б. Қодиров) тузилди. У ерда ўқувчиларнинг қобилиятларини, қизиқишларини ва ўзлаштириш даражаларини психологик тестлар ёрдамида аниқлаш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилаяпти. Айниқса Марказнинг Самарқанд Давлат чет тиллар институти билан ҳамкорликда вилоят мактаблари ўқувчиларини ўрганиши ва шу асосда уларнинг олий ўқув даргоҳларига таклиф этилиши ижобий самара бермоқда. Институт талабалари халқаро олимпиадаларда шарафли ўринни эгаллашиб, мамлакатимиз шуҳратини бутун дунёга ёймоқдалар.

Нима учун «аниқ ўрнатилмаган мақсад» деяпмиз. Чунки, таълим (тарбия) мақсадини предмет ёки мавзулар бўйича аниқ ўрнатиш учун у, «ташхисланувчан» ҳолда бўлиши керак. Ташхисланувчи деганда талабаларда шаклланаётган маълум сифат ёки хусусиятларни ўлчаш ва баҳолаш тушунилади. Мақсад ташхисланувчан (Тш) тарзда ўрнатилиши мумкин, агар:

— шаклланаётган билим, кўникма ва шахс сифатлари керакли даражада аниқ ва равшан ифода этилиши ва тавсифланиши керакки, натижада уларни бошқа ҳар қандай ижтимоий тажриба элементларидан хатосиз фарқлаш мумкин бўлса (Ёт);

— ташхисланаётган шахс сифатларининг шаклланаётганлигини аниқлаб оладиган усул ёки «восита» мавжуд бўлса ва ўлчаш амалга оширилса (Уш);

— ўлчаш натижаларига таяна оладиган сифатларни баҳолаш мезони мавжуд бўлса (Бм);

Шундай қилиб ташхисланувчанлик формуласини қуйидагича ёзиш мумкин:

Тш = Ёт + Уш + Бм.

ЎЗГАРИШЛАР МАРОМИГА МОСЛАШИБ

(Боши 1-бетда)

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, университетнинг деярли барча факультетлари мутахассислари бу ишга ҳисса қўшишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Вазирликнинг Давлат таълим стандартлари бўлими ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти билан ҳамкорликда академик лицейларнинг физика-математика, техника, кимё-биология йўналишлари учун кимё-математика фанлари бўйича ўқув дастурларининг муқобил вариантлари ишлаб чиқилди. Уларнинг нусхаларини кўпайтириш ниятимиз бор.

Ҳозирги кунда вазирликнинг рухсати билан университетимиз қошидаги академик лицейда ушбу дастурлар синовга қўйилди. Бу ерда мазкур дастурларни яратишда фаол иштирок этганлар орасида СамДУнинг академик лицейида ёшларга фан асосларини ўргатиб келаётган тажрибали педагог олимларимиз анчагина эканлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Навбатдаги фаолиятимиз мазкур ижодий гуруҳлар сафини мустаҳкамлаш, университет бўйича уларнинг банкини тузиш ҳамда синовдан муваффақиятли ўтган ўқув дастурлари муаллифлари жамоасини вужудга келтириш билан боғлиқдир.

Маълумки, баркамол авлодни шакллантириш олий мактабда маънавий-ахлоқий ишларни миллий дастурга мувофиқ илмий асосда амалга оширишни мақсад қилиб қўйганмиз. Очиғини айтганда, мазкур масала билан биз истиқлолимизни қўлга киритган кунларданоқ жиддий шуғулланиб бошлаган эдик. Чунки, мустақилликни миллий мактабсиз, тарбия, таълим мазмунини миллий негиз асосида ислоҳ қилмасдан туриб, мустаҳкамлаш мумкин эмас.

Ушбу ишлар бўйича дорилфунун ўқитувчилари томонидан қатор докторлик ва номзодлик ҳимоялари устида муваффақиятли изланишлар олиб борилмоқда. Таълим-тарбия мазмунини миллийлаштириш давлатимиз сиёсатининг асосий принципларидан бири бўлиб турган ҳозирги кунда профессор-ўқитувчиларимизнинг илмий изланишлари натижаларини тарғиб қилишга катта эътибор бермоқдамиз.

Олимларимизнинг илмий-услубий ишланмалари СамДУ, шаҳар, вилоят ва Республика газета ва журналларида эълон қилинмоқда. Жумладан, талабаларни мактабга тайёрлаш масаласига бағишланган ўқув қўлланмаси нашрга тайёрланмоқда. Республикамизнинг олий ва ўрта, ўрта махсус таълим муассасаларида тўпланган тажрибаларни ўрганиш мақсадида 1998 йил май ойида университетида Республика олий ўқув юртларининг илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Ўз-ўзидан равшанки, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлашни замонавий техника ва янги информацион технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Университет раҳбарияти кафедра, ўқув хоналари ва лабораторияларни янги компьютер техникаси билан жиҳозлашга ҳамда уларни бирлаштирувчи СамДУ махсус компьютерлараро «Масофадан ўқитиш» тармоғини вужудга келтиришга ҳаракат қилмоқда. Бу соҳада аниқ амалий ишлар ҳам қилинаяпти. Жумладан, ўтган йилнинг сентябрь ойида янги компьютер маркази очилди. Бу шу кунга қадар университет таълим жараёнига рейтинг тизимини муваффақиятли жорий қилишга катта ҳисса қўшиб келаётган ҳисоблаш марказининг имкониятларини янада кенгайтиради.

Ҳеч шубҳа йўққи, жуда қисқа вақтда СамДУ профессор-ўқитувчилари жамоаси таълим-тарбия самарадорлигини ошириш мақсадида халқаро «Интернет» компьютер таълим тармоғига уланиш ва ундан фойдаланиш учун катта илмий-педагогик, ташкилий, ўқув-услубий ишларни бошлаш ниятида.

Хулоса қилиб айтганда, Самарқанд Давлат Университети ўз имкониятлари доирасида Миллий дастур ижросига қатъият билан киришди. Бу йўлда учраётган муаммоларни нари суриб қўйиш тарафдори эмасмиз. Имкониятлар кетидан келадиган наф катта эканлигини жамоамизнинг ҳар бир аъзоси англайди.

Нарзиқул ШОДИЕВ,
профессор,
Марди ОЧИЛОВ,
СамДУ ўқув бўлими катта нозири

ТАЖРИБА ВА МАСЪУЛИЯТ

«Мен мактабсиз, ўқувчиларсиз ҳаётимни тасаввур эта олмайман», деган гапларни бу аёлдан кўп бор эшитганман. Маъсуда опа бутун меҳнат фаолиятини халқ таълимининг ривожига, мактабга бағишлаган аёл. Шу боис давлатимиз томонидан меҳнатлари муносиб тақдирланган.

Маъсуда опа меҳрибон она ҳамдир. У умр йўлдоши Бўривой ака билан бирга беш фарзандни тарбиялаб камолга етказди. Уларнинг ҳаммасини олий маълумотли, жамиятга фойдали инсон қилиб улғайтирди. Бу аёлни маҳалладагилар ҳам жуда ҳурмат қилишади. Чунки, Маъсуда опа лозим бўлганда маҳалла аҳлидан ҳеч қандай хизматини ва маслаҳатини аямайди. Маҳалладошларининг яхшиёмон кунларида ҳамиша бирга бўлади.

Яқинда Маъсуда опа Аҳмедова яна бир савобли ишга қўл урди. А. Икромов туманидаги ўзи ишлаб келаётган 197- мактабда «Математикадан тажриба синов дастури» ҳақида катта йиғин ўтказилишига ўзи бош-қош бўлди. Бу йиғилишдан кўзланган мақсад эса, яқинда яратилган мазкур дастурни имкон қадар тезроқ амалиётга тадбиқ этиш эди. Тадбирда мазкур соҳанинг кўзга кўринган етук олимларидан А. Раҳмқориев, М. Мирзаахмедов, Ж. Икромов , К. Саиджонов ва бошқа мактаблардан келган кўплаб ўқитувчилар иштирок этдилар. Улар математика фанидан ёзилган дастурни тажрибадан ўтказиш учун мактабда ўқув синов майдончаси ташкил этиш фикрини қувватладилар ва барча шароитлар етарли, синфлар замонавий талабга жавоб берганлиги, энг муҳими, намунали мактаб бўлганлиги учун мана шу – 197-мактаб танланди. Бу ишнинг яна ўша сергайрат, тажрибали устоз Маъсуда опа Аҳмедовага юклатилганида катта маъно бор деб ўйлайман ва бу масъулиятли ишда Маъсуда опага омад ва мустаҳкам соғлиқ тилаб қоламан.

Маъмура МАҲКАМОВА,
ўқитувчи

Тошкент шаҳридаги 150-мактабда ўз касбини ардоқлаган фидойи ўқитувчилар меҳнат қилишади. Улар ўқувчиларга чуқур билим бериш баробарида ёш ўқитувчиларга ҳам ўрнак бўлишяпти. Суратларда акс этган меҳнат таълим ўқитувчиси Восиқ Ниғманов ҳамда бошланғич синф ўқитувчиси Гулмира Бойматова ҳар доим шогирдлар даврасида.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

«МАЪРИФАТ»

? ? ?

Мен 1993 йил октябрь ойида касаллик туфайли II-гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Ўз имкониятим даражасида яна мактабда ишлашим мумкинми?

Холида ҚОРАЕВА,
Навоий вилояти Қизилтепа тумани, Ванғози ишлоғи

! ! !

Тиббий комиссиядан ўтиб, иккинчи гуруҳ ногиронлиги бекор қилинса, яна ўз касбига қайтиши мумкин.

? ? ?

Иш стажим 28 йил. Менга тарификация бўйича 3338 сўм ойлик маош тўланади. Мен пенсияга ҳам шу пул билан чиқаманми?

Х. ТОЛИПОВА,
Фарғона вилояти Учқўприк туманидаги 16-болалар боғчаси мудираси

! ! !

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 25-моддасига кўра, пенсия миқдори иш стажининг муддатига боғлиқ бўлиб, қуйидагилардан таркиб топади:

пенсиянинг таянч миқдоридан;
иш стажи учун пенсиянинг оширилишидан;
пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан.

Бинобарин, пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган шахс тақдим этган ҳужжатлар асосида туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан пенсия миқдори ҳисоблаб чиқилади ва тайинланади.

? ? ?

Мен Фарғона политехникумини тикувчилик ишлаб чиқариш ихтисоси бўйича ўқиб тамомлаганман. Касбим техник-технолог, шу соҳа бўйича мактабга кириб ишлашга ҳақлиманми?

Малика ҲАМДАМОВА,
Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани

! ! !

Агар мактабда ёки бошқа таълим муассасасида бўш жой (ўрин) бўлса, ўз соҳаси бўйича ишлаши мумкин.

* * *

Юқоридаги саволларга жавобларни Ўзбекистон Республикаси ХТВ кадрлар бошқармаси бошлиғининг муовини Р.Тошматов асослаб берди.

МАСЛАҲАТХОНАСИ

Ma`naviyat sarchashmalari

Мусофир бўл, аммо Ватан ичра бўл,
Тила хилвату анжуман ичра бўл.
Алишер НАВОИЙ

КОМИЛЛИКНИНГ БИР ПОҒОНАСИ

Муқаддас ва бетакрор маданий меросимиз инсон руҳиятини тарбияловчи буюк манба ҳисобланади. Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг изчил ривожланишини таъминлаш бой маънавият ва руҳият илмидан самарали, оқилона фойдаланишни тақозо қилмоқда.

Яқинда жаҳон миқёсидаги нуфузли ташкилот ЮНЕСКОнинг 155-сессиясининг Тошкентда ўтказилиши ва Президентимиз И. Каримовга Абу Али ибн Сино Олтин медалининг топширилиши буюк маданий ва маънавий меросимизни ўрганиш ва миллий қадриятларимизни кўтаришда олиб борилаётган ҳаракатларга берилган юқори баҳодир.

Бузруквор ватандошларимиз Хожагон мактаби Нақшбандия тариқати асосчиси Абдухолиқ Ғиждувоний ва шу тариқатни эътиборли сулук даражасига етказган Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳалолликкка, бунёдкорликка ундаган ростгўйлик, меҳр-шафқат, одамийлик ва ватанпарварлик руҳи билан суғорилган таълимоти гўзал хулқни тарбиялашни назарда тутган.

Маълумки, Ғиждувон туманида таваллуд топган Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний инсонда ёмон фазилатлардан холи бўлиш, яъни, эзгу, ҳалол, адолатли хулқ-атворни пайдо қилишнинг янгича психологик жараёнига асосланган таълимотни яратди.

Абдухолиқ Ғиждувоний кейинчалик нақшбандия деб аталган бу таълимотнинг 11 та қоидасидан 8 тасини ишлаб чиқди. Бу қоидалар қуйидагича номланади: «Хуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар Ватан», «Хилват дар анжуман», «Ёдкард», «Бозгашт», «Нигоҳдошт», «Ёддошт».

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ушбу таълимотга яна 3 та қоидани қўшдилар: «Виқуфи замоний», «Виқуфи адабий», «Виқуфи қалбий». Таъкидлаш жоизки, бу таълимотнинг ислом оламига кенг тарқалгани сабаби халқчиллигидир. Кўпчилик суфийлик тариқатларида инсоннинг ёмон хислатларини тарки дунёчилик йўли билан тарбиялашга даъват этилган бўлса, нақшбандия таълимотида халқ орасида, халқ билан бўлиш орқали ҳам нопок, номатлуб қусурлардан тўлиқ халос бўлиб, Ҳаққа етишиш мумкинлиги тарғиб қилинади.

Энди шу тариқатнинг «Хилват дар анжуман» қоидаси хусусида фикр юритиб, унинг инсон психологиясига таъсирини кўриб чиқайлик.

Психология фан сифатида руҳият эволюцияси ва унинг ривожланиш қонун-қоидаларини ўрганади. Инсоннинг ўз ички дунёсини тозалаши билан боғлиқ психологик жараённи 3 босқичга бўлади:

1.Инсон ички дунёсидаги барча номаъқул ҳатти-ҳаракатларни чуқур англаш;

2.Шу номаъқул ҳаракатлардан ҳоли бўлиш;

3.Уларни бундан кейин қилмасликни мақсад этиш.

Инсон ҳаётда тўғри ва нотўғри ҳаракат қилганини, аввало, оиладан, кейин жамиятдан ва буюк маданий-маънавий меросимиздан англаб боради. Албатта. Киши қайси хатти-ҳаракати мувофиқ ёки номувофиқлигини мавжуд қонун-қоидалардан ҳам англаши мумкин ва уларга риоя этмаса жазо борлигидан қўрқиб, уларни бузмасликка ҳаракат қилади. Лекин эмпирик ҳаёт кўпчилик ҳолларда бунинг аксини кўрсатади. Чунки хатти-ҳаракатнинг мувофиқлик ёки номувофиқлигини англашнинг ўзи нисбий характерга эга. Шу билан бирга қонун-қоидалар инсоннинг ташқи фаолиятини тартибга солишга қаратилган. Устозларимиз эса таълимотларида ҳар бир инсонни алоҳида психологик субъект сифатида тарбиялашни, унинг ҳалол, мукаммал ички дунёсини яратишни назарда тутганлар. Ички руҳий тозалик тартибли ташқи фаолиятнинг олиб борилишини таъминлайди. Кишининг адолатпарвар, ҳалол бўлиши унинг адолатли ва ҳалол хатти-ҳаракатни тез-тез такрорлаши натижасида рўй беради. Инсон ирсият ва табиат қонун-қоидалари орқали олган туғма имкониятларини ҳаёти давомида ўзининг фаоллиги билан бойитиб боради.

Тариқатнинг «Хилват дар анжуман» қоидаси ҳам киши ҳаёти анжуманида қалбида ҳамиша эзгу, ҳалол хилватини топишни, бу ҳалоллик меҳр-мурувватга тўла хилват - Ҳаққа етишнинг яқин йўли эканлигини тарғиб қилади.

«Хилват дар анжуман» қоидасига амал қилиб юрилганда киши дунёвий фаолиятида ҳам, Ҳақ йўлидаги ибодатида ҳам осойишталик топади. Бундай комил инсонлар бироларлигидаги жамият, мамлакат равнақи бениҳоя ошади.

Эмин ҲАЛИМОВ,
психология фанлари номзоди,
Убайдулло ҚОСИМОВ,
Ғиждувон тумани

Tajriba, sinov, natija

ТАЛАБАНИНГ АМАЛИЁТ ДАРСИ

Биология фани бўйича бакалавр маълумотини олишга шайланган талаба ҳам экологик тарбияни олиб боришга бевосита дахлдор. Унинг ишлаб чиқариш амалиёти экологик таълимнинг негизи бўлмиш — сув, ҳаво, ер, осмон, ҳайвонот олами ва инсониятнинг бир-бирига боғлиқлигини тушунган ҳолда ўтиши керак. Масалан, бешинчи синфларда «Табиатшунослик» фанидан ўтиладиган «Ўсимликлар, ҳайвонлар ва ташқи муҳит» боби бўйича ўндан ортиқ дарслар уюштирилади. Талаба кафедралар кўмагида ўзи учун турли-туман материаллар йиғиши керак. Университетимиз музейида ҳар хил қушлар ва сут эмизувчи ҳайвонларнинг тулум (чучело)ларидан, ботаника кафедраси қошидаги «Гербарий» хонасидан ўсимликларнинг турли гуруҳларга хос бўлган барг нусхаларини олиб келиб, мактаб ўқувчиларига намойиш қилиш мумкин. Шунингдек, ҳар қайси мавзуга оид таблицалар олиб келиб, уларни ўқувчиларга ҳавола этиш катта таассурот қолдиради. Бундан ташқари, олийгоҳдан олиб келинган материаллар асосида маълум синфга оид ўсимлик ёки ҳайвоннинг ўсиши ва ривожланиши, шунингдек, яшаш тарзи ҳақида ўқувчиларга маълумот бериш талаб қилинади. Уларнинг табиатда тутган ўрни, хусусияти, улардан унумли фойдаланиш ва табиат заҳираларини муҳофаза қилиш бўйича ҳам тушунчалар берилади.

Ботаника фанидан педамалиёт ўтаётган талаба усталик билан ўқувчиларга экологик тарбия бериши мумкин. Бунда ўша талабага услубчилар ёрдамлашадилар. Масалан, «Юксак ўсимликлар ва уларнинг табақаланиши» боби бўйича ўтиладиган дарсларда ўсимликларнинг қайси оилаларга мансублиги, улардаги ёввойи ва маданий табобат оламининг қайси минтақалар ва экологик муҳитларда тарқалиши борасида маълумотлар берилади. Педамалиётдаги талаба ботаника кафедраси ўқитувчиларининг кўмагида гербарий материалларини танлаб ва тегишли жадвалларни ажратиб олиб, дарсга кириши керак. Дарсни кўргазмали материаллар билан янада бойитиш мақсадида суғориладиган майдонлар ва чўл шароитида ўсадиган бир турга хос бўлган иккита гербарий нусхалари қараб чиқилади. Бу борада энг яхши мисол тариқасида янтоқ ўсимлигини танлаб олиш мумкин. Маълумки, янтоқ чўл экологик шароитида ўсадиган кичик баргли ва унчалик сершох бўлмаган ўсимлик. Лекин унинг ўқ илдизи жуда чуқур ва ер ости сизот сувларигача бориб етади. Суғориладиган ва маданий ўсимликлар орасида бегона ўт сифатида ўсадиган янтоқ турлари эса аксинча сершох бўлиб ўсади ва унинг барглари йирик шаклда. Унинг ер усти аъзолари илдизидан кўра йирикроқ, яъни сув яқин бўлганлиги учун илдизи ҳам унчалик чуқурга кириб бормайди.

Ушбу мисол билан талаба ўқувчиларга ўсимликларнинг ўсишига ҳар хил экологик муҳитларнинг таъсири борасида тегишли маълумот беради.

Зоология фанидан «Ҳалқали чувалчанглар» мавзуси ўтилганда , ёмғир чувалчангининг қандай экологик муҳитда яшаши мумкинлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Бунда тупроқ муҳити , намлик миқдори ва унинг механик ҳолати ҳисобга олинган ҳолда ҳар хил экологик муҳитларда ёмғир чувалчангининг яшаши ва кўпайиши баён қилиб берилади. Бу ерда ҳам талаба услубчилар маслаҳатига таянади.

«Одам анатомияси, физиологияси ва гигиенаси» фани бўйича ҳам педамалиёт даврида чуқур экологик тарбия берилиши керак. Ушбу фаннинг ҳар бир дарсида қулай имкониятлар мавжуд. Масалан, «Таянч аъзолари» боби ўтилганда, одам скелетидаги барча суяклар бирма-бир изоҳланади. Айниқса, одам умуртқа поғонасининг тузилиши, қисмлари ва бошқа анатомик хусусиятларига батафсил тўхталиш лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, педамалиёт даврида талабаларнинг ўқувчиларга экологик таълим бериши фақат айрим танлаб олинган дарсларда эмас, балки мунтазам ва фаол уюштирилиши керак. Бу талабанинг келажакда етук педагог бўлишида муҳим шартдир. Қолаверса, мактаб ва олийгоҳ ҳамкорлигида ҳам асосий босқич вазифасини ўтайди.

А. АКРОМОВ,
Ж.НАЖМИДДИНОВ,
Бухоро Давлат университети ўқитувчилари

Айтиш мумкинки, ҳар бир дарсда таълим мақсадининг аниқ қўйилиши ўқитиш технологиясини лойиҳалашда муҳим шартлардан бири экан. Савол туғилиши табиий: фан мавзулари бўйича ўқитишнинг ташхисланувчан мақсадини қандай қўйиш мумкин? Дарҳақиқат, ҳар қандай фан ўзининг пайдо бўлган вақтларидан бошлаб катта билимлар (ахборотлар) арсеналини тўплаган ва юқори тезликда бойитилиб бораяпти. Фан фидойиларининг маълумотига кўра жаҳонда ахборотлар бир соатда 200 млн. сўз тезлик билан ошиб бораяпти ёки бу 5000 саҳифага тенг босма матн деган сўз. Инсон эса бу вақт оралиғида ярим варақ янги илмий матнни ўзлаштиришга қодир экан. Ахборотларнинг бундай оқимида талабанинг «ғарқ» бўлиб кетмаслиги учун ўқитувчи нима қилиши керак? Жавоб ўз-ўзидан маълум: ўқитиш учун фақат зарурий ахборотларнигина танлаб олиш ва талабанинг ўзлаштириш қобилиятига мос ҳолда улар ҳажмини миқдорий ўлчамга келтириш зарур. Бу масалани амалда бажариш учун «Ўқув элементи» (ЎЭ) тушунчаси мавжуд. Ўқув элементи деганда ўрганиш мақсадида танланган барча фан объектлари (ФО) тушунилади. Табиийки, ЎЭ сони ФО сонидан кичик бўлади. Ўқитувчи ЎЭ танлаб олиши учун тайёрлаётган бўлажак мутахассис шахсига яқин 3-5 йил ичида қўйилаётган талабларни тасаввур қила олиши, зарурий билим ва кўникмалар таркибини аниқ ифодалаши керак.

ЎЭ сони ва турини саралашнинг икки усули мавжуд: биринчиси – эксперт усули бўлиб, маҳоратли (тажрибали) методистлар ва ўқитувчилар иш услубига таянган ҳолда вазифа унча мураккаб бўлмаган методика ёрдамида ҳал этилади. Иккинчиси – тажриба-синов усули, яъни ўқув юрти битирувчисининг фаолияти таҳлил қилинади ва шу асосда маълум фан объектлари тўғрисидаги керакли маълумотлар ажратиб олинади. Ҳар икки усул ҳам амалиётда қўлланилиб бир бирини тўлдиради ва бойитади. Ўқув материалини саралаш интиҳоси предмет дастури учун ЎЭ йиғиндисини тўплаш ҳисобланади ва у рўйхат кўринишида берилади.

Мисол тариқасида механизм ва машиналар назарияси фанидан «Механизмлар таснифи» мавзуси бўйича ЎЭни тўлиқлигича даъвогарлик қилмаган ҳолда келтирамиз: 1. Ричагли механизмлар. 2. Кулочокли механизмлар 3. Айланма ҳаракатни узатувчи қаттиқ звеноли механизмлар. 4. Эпициклик механизмлар. 5. Универсал шарнир. 6. Эгилувчан звеноли механизмлар. 7. Пневматик механизмлар. 8. Гидравлик механизмлар. 9. Электрик механизмлар. Демак, мавзу бўйича ўрганиш учун 9 та ЎЭ ажратиб олинди. Бу элементларни бўлажак инженер қайси даражада ва асосли ўрганиши керак? Бунинг учун таълим мақсадини аниқлашга қаратилган яна бир кўрсаткич киритилади: предметни ўрганиш илмийлиги ёки фан тараққиётининг абстракция-поғоналари.

Ҳар қандай фан ўзига тегишли нарса ва ҳодисаларни босқичма-босқич ўрганган ҳолда ривожланиб боради. Ривожланишнинг узлуксиз жараёни турли фанларда турлича, ҳатто бир фаннинг бўлимлари ўртасида ҳам нотекис кечади. Шу боисдан фаннинг ривожланиш даражасини аниқлаш ҳамда ўқув мавзулари бўйича мақсадни аниқ белгилаш учун абстракция поғоналари ва унга мос ЎЭни баён қилиш усуллари мавжуд.

Биринчи абстракция поғонада (феноменологик) нарса ва ҳодисалар баёнини тавсифлаш чекланган, объектларнинг маълум тартибли рўйхати келтирилган бўлади, уларнинг хусусият ва сифатлари қайд этилади. ЎЭ оддий, одатдаги тилда тушунтирилади.

Иккинчи абстракция поғонада (аналитик-синтетик) фан учун хусусий бўлган тушунча ва атамалар, қонуниятлар ЎЭнинг асосий таркибини ташкил этади. Жараёнларнинг кечиши ва ривожланиш йўналишларини башоратлашга имкониятлар туғилади. ЎЭ фан тилида баён этилади.

Учинчи абстракция поғонада (прогностик) фанга тегишли маълум ҳодисаларни уларнинг сонли назариялари асосида тушунтирилади, асосий жараёнларни моделлаштириш, қонун ва хусусиятларни аналитик тасаввурлаш амалга оширилади. Ҳодиса ва жараёнларнинг кечиш муддати ва сонини олдиндан айтиб бериш имкониятлари мавжуд бўлади. Ривожланган фан тили вужудга келган бўлиб, ЎЭ баёни фанларо боғланиш асосида олиб борилади. Фан аста-секинлик билан ўзининг янги ривожланиш босқичига ўта боради.

Тўртинчи абстракция поғона (аксиоматик) нарса ва ҳодисаларни тушунтириш материалларнинг кенг қамровлиги, ҳодисалар моҳиятига чуқур кириб бориш билан тавсифлашнинг юқори даражали умумлашмасидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш билан белгиланади. Фаннинг предметлараро тили (кибернетика, информатика ва бошқа) мавжуд бўлиб, улар ёрдамида илмий билимларнинг амалий йўналишлари қайтадан илмий асосланади.

Демак, ЎЭни тушунтириш даражалари тўғрисида ҳам фикр юритилди. Ўз навбатида талабалар ЎЭни **қай даражада ўзлаштиришлари ёки қандай маҳорат билан бажаришлари керак?** Бу саволга психологлар томонидан яратилган фаолият назарияси жавоб беради. Фаолият назарияси замирида ётувчи пастулот шундан иборатки, **ҳар қандай фаолият инсон томонидан олдин ўзлаштириб олинган ахборотлар ёрдамида амалга оширилади. Ахборотлардан фойдаланиш характерига қараб фаолиятнинг икки кўринишларини фарқлаш мумкин: репродуктив ва продуктив. Уларнинг бир биридан фарқи шундаки, репродуктив фаолиятда инсон ўзига маълум бўлган ҳаракат (алгоритм) қоидаларидан фойдаланади. Бунда ҳеч қандай янги ахборотлар юзага чиқмайди. У фақат олдин ўзлаштирилган усулларни қайтадан ишлаб чиқади (репродукциялайди).**

Продуктив фаолиятни бажаришда инсон доимо янгиликка дуч келади ёки янги ахборотлар (янги объектлар, ҳодисалар, жараёнлар, фаолият методлари) вужудга келади. Ҳар икки фаолият тури ҳам мустақил равишда ёки ташқаридан кўрсатилган таъсир ёрдамида бажарилади. Мисол учун репродуктив фаолият кўрсатма (йўриқнома, луғат, устоз) орқали ёки ҳаракатларни бажариш қоидалари тўғрисидаги бошқа бир ахборот манбалари асосида, яъни кўрсатмасиз мустақил равишда бажарилади. Продуктив фаолият ҳам маълум методик кўрсатмалар остида бажарилиши мумкин, бироқ бу ерда ҳаракатлар кетма-кетлиги, тартиб-қоидалари айни вазиятда янгиланган (фақат ўзи учун) ёки ҳеч кимга маълум бўлмаган усуллар воситасида амалга ошади. Демак, бу ўринда ҳам икки фаолият даражасини кузатиш мумкин: эвристик ва ижодий.

Юқорида баён қилинган фикрларни ҳисобга олган ҳолда талабанинг ўқув материалларини ўзлаштириш, фаолиятини қуйидаги тўрт даражага бўлиш мумкин:

1 даража: ташқи кўрсатма таъсиридаги ҳаракат. Бу фаолиятни шартли равишда ТАНИШУВ даражаси деб номлаймиз.

2 даража: хотира асосидаги ҳаракат. Буни фаолиятнинг АЛГОРИТМ даражаси деб номлаймиз.

3 даража: ностандарт вазиятлардаги продуктив ҳаракат. Буни фаолиятнинг ЭВРЕСТИК даражаси деб номлаймиз.

4 даража: фаолиятнинг янги қирраларини тадқиқ қилувчи продуктив ҳаракат. Буни фаолиятнинг ИЖОДИЙ даражаси деб номлаймиз.

Шундай қилиб, талабалар билимлари икки ўлчамда тавсифланар экан: бир томондан объектив борлиқ тўғрисидаги маълумотларни баён қилишда абстракция поғоналари билан, бошқа томондан – бу маълумотларни ўзлаштириш даражаси билан.

Қуйидаги саволни ўртага ташлаймиз: **инженер юқорида тилга олинган ЎЭ қайси даражада ўзлаштириши керак? Бу саволга жавоб бир хил бўлиши мумкин эмас. Баъзи бир ЎЭ чуқурроқ, бошқаларини эса бир мунча паст даражада ўзлаштириш керак бўлади. Бу нима билан асосланиши мумкин? Албатта, биринчи навбатда талабанинг бўлажак фаолиятига ва мутахассислик маҳоратига қўйилган талаблар эътиборга олинади. Агар талаба «кишлоқ хўжалиги машиналари» мутахассислигида таҳсил олаётган бўлса, шу соҳадаги техникаларда энг кўп учрайдиган механизмларни (1-6 ЎЭ), агар келажакда авиация инженери бўлса самолётсозликда қўлланиладиган механизмларни (7-9 ЎЭ) чуқурроқ ўрганиши керак бўлади. Ёки бошқача қилиб айтганда талаба ЎЭ ҳеч бўлмаганда II даражада, асосан III даража мавқеида ўзлаштириши керак бўлади.**

Юқоридагилардан қуйидагича хулоса қилиш мумкин экан: таълим мақсадларини (2-элемент) аниқлаш ҳам талабаларнинг ЎЭ ўзлаштириш даражасига мос ҳолда амалга оширилиши керак

Нурали САЙИДАҲМЕДОВ,
олий педагогика институтининг педагогика ва психологик кафедраси мудири

КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

(Боши 1-бетда)

— А.Г. Неболсин номидаги ушбу жамғарманинг ташкил этилганига 10 йилча бўлди. Касб-ҳунар таълими ривожининг тарихи тўғрисида рисолалар чоп этиш, касб-ҳунар таълими анъаналарини, айниқса, ҳозирги пайтда унутилаётган халқ ҳунармандчилиги турларини тиклаш ва уларни тарғиб қилиш, ушбу поғонада таълим олаётган ёш истеъдодли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш ва мазкур соҳа ходимларини рағбатлантириш чора-тадбирлари жамғарманинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

— Лауреатлар қайси мезонлар бўйича аниқланади?

— Умуман, А. Г. Неболсин номидаги мукофотга шу кунга қадар 123 лауреат нафақат Россиядан, балки Украина, Белорус, Канада ва Франция фуқароларидан ҳам муваффақ бўлдилар. Бугунги совриндорлар эса, Марказий Осиё минтақасида илк муносиб топилганлардир.

Касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга, унинг равнақига муносиб ҳисса қўшган олимлар, давлат арбоблари, ўқитувчи зиёлилар жамғарма мукофотига сазовор бўлмоқдалар. Ўзбекистон ҳақида айтадиган бўлсам, бизнинг кўп йиллар давомида ҳамкорлик алоқаларимиз ўрнатилган. Масалан, Ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти билан ўзаро ҳамкорликда анжуманлар, семинарлар ўтказиб турамиз.

— «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»мизни қандай баҳолайсиз?

— Бу Ўзбекистон Республикаси сиёсий ва иқтисодий ҳаётида йирик воқеадир. Таълим тизимидаги ислоҳотлар давлат томонидан устувор йўналиш деб белгиланганлигини келажак авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик деб биламан. Бизда касб-ҳунар таълими ўз ҳолига қайтилган бир пайтда, мамлакатингизда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да бунга алоҳида урғу берилиши қувончлидир. Бу соҳада сизлар россияликлардан анча илгаридасизлар. Энди қайси бир жиҳатларини биз сизлардан ўрганишимиз керак бўлмоқда.

Ҳа, россиялик олимнинг таъкидлашича, бугун Ўзбекистонда таълим соҳасида рўй бераётган янгиликлар дунё эътиборини қозонмоқда. Сўз сўнгида биз ушбу фикрга қўшилган ҳолда «Россия касб-ҳунар таълими отаси» ҳисобланган буюк маорифчи А.Г. Неболсиннинг қуйидаги сўзларини келтиришга жазм этдик: **«Илм нури, одамларга муҳаббат ва маърифат зиёсини кўпроқ тарқатиш даркордир».**

Нурлан УСМОНОВ

ИЛДИЗИГА ҚУРТ ТУШГАН ДАРАХТ

Ривоят-баллада

Боболардан бизга қолган
Ривоятлар бунча кўп.
Момолардан бизга қолган
Ҳикоятлар бунча кўп.
Қай бирига қулоқ тутманг
Дилда унар эзгулик.
Қораланар ҳеч унутманг
Ёмонлигу бузғунлик.
Хуллас-калом,
Аниқ гап шу.
Мен сўзимдан қайтмайман,
Балки эртак,
Балки рост бу,
Бунисини айтмайман.
Бир кун қаранг,
Э йўқ, бе йўқ
Ота уғлин оқ қилди,
Билган билди, билмаганлар
Дейишди: — чатоқ қилди.
Уғлон чиқиб кетди уйдан
Мағрур, ёруғ юз билан,
Ота сизнинг остонангиз
Ҳаром деган сўз билан.
Ота баттар ғазабланди
Қаро бўлсин юзларинг.
Уйга эмас,
Мозоримга
Тушмасин ҳеч изларинг.
Кун ўтди,
Сўнг ҳафта, сўнг ой,
Утай деди мана йил.
Ота ота-да, ҳойна-ҳой,
Қони битта,
Битта дил!
Излаб чиқди,
Юрагида
Болам мени билмади.
Қанча қилдим панд-насиҳат
Қулоғига илмади.
Йўнилмаган таёқ бўлди,
Одамийлик йўқ танда,
Қайсар чиқди, эл олдида,
Доим қилди шарманда.
Ёлғиз ўғли қайтмас уйга,
Сўзим сўз деб юрибди.
Ота чеккан азобини
Ахир ким ҳам кўрибди.
Уйлай-уйлай ота бир кун,
Йўлга чиқди,
Қатъий аҳд,
Ёши улуғ донишманддан
Олар бўлди маслаҳат.
Ота деди:
—Пирим, келдим,
Очиқ қилинг орамни.
Бир йил бўлди,
Мен оқ қилдим,
Жигарим, ўз боламни.
Бир-бир айтди донишмандга
Ота нелар бўлганин,
Остонангиз ҳаром дегач,
Фарзанд меҳри ўлганин.
Бу қандайин синоат деб,
Мурид деган чопдилар,
Оқ қилинган болакайни,
Изладилар,
Топдилар.
Ота-бола ўлтирар терс,
Соқол силаб донишманд,
Не гуноҳга қўл урганинг
Биласанми, — дер, — фарзанд.
Ахир отанг қиблагоҳинг,
Ким ранжитса, бил шуни,
Минг азобга тортилгайдир,
Рузи қиёмат куни,
Болам, — деди, — нохуш ҳол бу,
Шундай булар ажрим.
Отангиздан бир умрга
Энди суранг кечирим.
— Йўқ, — бақирди қайсар бола,
Шартта турди ўрнидан,
Отамни-чи осиб қўйинг
Ҳў илмоққа бурнидан.
— Тавба, тавба, — дер донишманд,
Ота эса индамас,
— Отам айбдор, — деди бола,
Тингланг,
Йўқса, кетгум бас.
— Айтгин, деди сўнг донишманд,
Орангизда не сир бор?
Қайсар бола юрагида
Борини этди ошкор,
— Наслимизда тақсир қаранг,
Уч мўъжиза,
Уч шарт бор.
Бирортасин бажармади,
Отам бунга гуноҳкор,
— Биринчидан, отам менга,
Танламади онани.
Мана ҳозир важ қилмоқда,
Минг битта баҳонани.
Мажусийга уйланди у,
Наслимизга дарз кетди.
Ана шундан билинг, тақсир,
Биринчи қарз, фарз кетди.
Иккинчиси, отам менга,
Қўймадилар яхши от.
Исмим қўғиз маъносин
Билдиради, дегум дод.
Учинчиси, отам менга
Ўргатмади Қуръонни.
Киминг, айтинг, энди менга,
Уйғоқ кимнинг виждони.
Отам мени оқ қилдим дер,
Аслида мен оқ қилдим.
Босиб юрган остонасин
Узимдан йироқ қилдим.
Уйлаб қолди донишманд ҳам,
Бўлмай қолди ажрим.
Бола кетди,
Утиб кетди
Остонадан кечирим.
Боболардан бизга қолган
Ривоятлар бунча кўп.
Момолардан бизга қолган
Ҳикоятлар бунча кўп.
Яхшилар кўп, наслим деган
—
Саломатлар бунча кўп.
Эртам эмас, фаслим деган
Аломатлар бунча кўп.
Алқисса шу:
Илдизимиз,
Абад-абад бут бўлсин.
Илдизига қурт тушганнинг
Юзлари шувут бўлсин.

Сафар БАРНОЕВ

МУСТАҚИЛЛИК ЛОЛАЛАРИМИЗ

Нормурод Нарзуллаев шеъри, Рустам Абдуллаев мусиқаси



Ўзбекистон — Ватаним, онам,
Нур таралар гулбоғларингдан.
Олтин бешик азиз остонам,
Бахтим топдим қучоқларингдан.

НАҚОРАТ:

Озод Ватан ўғил-қизимиз,
Чарақлаган ер юлдузимиз.
Тинчликни ўйлаб,
Дўстликни куйлаб,
Истиқболни кўзлар кўзимиз.

Истиқлолнинг қалдирғочимиз,
Иқболимиз тонгдай кулажак.
Халқ меҳридан қудрат-кучимиз,
Бизники бу нурли келажак!

НАҚОРАТ:

Мустақиллик болаларимиз,
Бошимизни силайди ўлкам.
Дил ғунчаси — лолаларимиз,
Гўзалликдан яшнагай олам!

НАҚОРАТ:

Озод Ватан ўғил-қизимиз,
Чарақлаган ер юлдузимиз.
Тинчликни ўйлаб,
Дўстликни куйлаб,
Истиқболни кўрар кўзимиз.

Xullas...

ФИЛГА ҲАМХОБ БЎЛМОҚЧИ

Жанет Жексон - 32 ёшдаги хонанда (Майкл Жексоннинг синглиси) га машҳур акасининг жозибадор қўшиқлари ҳақидаги ёзишмалар ниҳоятда эриш туюлади. Майклнинг галдаги чиқишлари ҳақида ёзишга ошиққан журналистлар олдида у юзини қаёққадир яширишига тўғри келади. Негаки хонанда оёқ-қўл, тана, юз ҳаракатлари билан баъзан қуюшқондан чиқиб кетади-да...

Қўшиқ «қироли» 40 ёшга тўлиб, «Тентак» лақабини олган бўлса-да, пластик операцияга ётишга тайёр. Шўрлик Майкл терисининг бошқа рангга «кириши» учун кислород камерасида димиқиб ётишга ҳам чидайди. Ахир, чидаганга чиқарган...

Яқинда Жексон ўз мухлисларига ошкора айтди: фил скелетини сотиб олиб, уни ўзининг уйларидан бирига ўрнатармиш. Афтидан, жарроҳлар унга шуни маслаҳат беришган...

ЙИГИТ КЎРКИ — СОҚОЛ

«Евромонитор» фирмаси социологлари Норвегия аҳолиси (асосан эркак ва аёллар)нинг сартарошхонага киришлари, яъни ўз соч-соқолларига эътибори қай даражада эканлигини аниқлашди. Соч-соқолни қиртишлаш, унга керакли воситалар харидига улар бир йилда ўртача 46 доллар сарфлашар экан.

Иккинчи ўринни устомон японлар эгаллашди. Уларнинг сарф-харажати 43 долларни ташкил этди.

Сартарошхона билан унчалик «келишмайдиган»лар покистонликлар экан. Улар бир йилда бор-йўғи 17 центни сарфлашар экан.

САҚИЧНИНГ БАҲОСИ НЕЧА ПУЛ?

Нью-Йоркда резина сақич чайнаб, уни дуч келган жойга туфлаган кишининг ҳолига энди маймунлар йиғлайдиган бўлди. Негаки шаҳар мэри Рудольф Жулиани аҳоли орасида қатъий тартиб ўрнатишни талаб қилмоқда. Мэр шаҳар кўчаларини шахсан кўздан кечириб чиқар экан, Бруклин майдончасидаги йўлакларда сон-саноқсиз сақич парчалари унинг оёқ кийимига ёпишаверибди, асабига тегди. Тепа сочи тикка бўлган Рудольф зудлик билан буйруқ эълон қилди: кимдаким сақич чайнаб, жамоат жойларига туфласа, 250 доллар жарима тўлайди ёки 10 сутка қамоқ жазосига маҳкум этилади.

ana shunaqa gaplar...

Sport

КЎНЧИҚАРДАН ХУШХАБАР

Японияда дзюдо бўйича халқаро мусобақа якунланди. Унда иштирок этган спортчиларимиздан Андрей Штурбабиннинг омади юришди. Андрей барча рақибларини маглуб этиб, мусобақанинг олтин медалини қўлга киритди.

МАҲОРАТ УСТУНЛИГИ

Самарқанд шаҳрида футбол бўйича «Вилоят ҳокими кубоги» мусобақасининг финал учрашуви бўлиб ўтди. Ҳал қилувчи баҳсда Темирйўл туманининг «Темирйўлчи» жамоасини 6:1 ҳисобида маглубиятга учратган Жомбой туманининг «Тегирмончи» жамоаси иккинчи бор мусобақа ғолиби бўлди.

КЎҲНА ДУНЁ «ҚИРОЛ»И

Голландия терма жамоаси ва «АЯКС» жамоаси собиқ футболчиси Йохан Круифф Европа китъасининг XX асрдаги энг буюк футболчиси деб топилди. Бу 70-йилларда жаҳон футболига «тотал футбол» тушунчасини олиб кирган ажойиб спортчига билдирилган юксак эътирофдир.

«ПАХТАКОР» ЎЗ СЎЗИНИ АЙТДИ

Ва ниҳоят узоқ баҳс-мунозаралардан сўнг мамлакатимизнинг футбол бўйича ўтган йилги чемпиони Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси 25-31 январь кунлари Москва шаҳрида ўтказиладиган МДҲ кубоги мусобақаларига бормайдиган бўлишди. Бунга асосий сабаб турнирга ташкилотчилар томонидан узбошимчалик билан узгартиришлар киритилиб вакилларимизни кучсизлар сафига қўшиб қўйганлиги бўлди.

ИШИ ЙЎҚ ИТИНИ СУҒОРИБДИ

АҚШда антиқа мусобақа ўтказилди. Унда ажабтовур «спортчилар», яъни чўчқа болаларини сувга сакратиш бўйича баҳс уюштирилди. Ташкилотчилар спорт мусобақалари анъанасига содиқ қолишиб мусобақа ғолибларини муносиб тақдирлашди. «Спортчилар» кўрсатган маҳоратига яраша ширинликка эга-лик қилди.

maydonchasi

Quvnoq startlar

ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВ

XVI Республика «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақасининг навбатдаги қатнашчилари Жиззах вилояти Арнасой туманидаги Ғафур Ғулом номли 5-мактабнинг «Ёғду» ҳамда Наманган вилояти Норин туманидаги Ал-Хоразмий номли 1-мактабнинг «Омад» командаси аъзолари учрашуви жуда қизғин ўтганлиги билан аввалги саралаш беллашувларидан фарқ қилади.

Дастурнинг «Дўстлар баҳси» мусобақасида ҳар икки командадан 8 ўғил ва 8 қиз беллашувида «Ёғду» командаси аъзолари чаққон ва аниқ ҳаракат қилиб, маррага биринчи бўлиб етиб келишди ва 10 балл олишди. «Урин алмашиш» мусобақасида ҳам арнасойлик уқувчилар ютуққа эришишди. Лекин улар йўл қўйган иккита хато ҳисобга олиниб, 6 балл берилди.

Кетма-кет икки мағлубиятдан кейин «Омад» командаси аъзолари астойдил ҳаракат қилиш ниятида майдонга тушишди. Арқон тортиш дастурида норинлик қизлар арнасойлик тенгдошларини доғда қолдиришди. «Эпчил болалар» дастурида ҳам норинликлар қўли баланд келди.

Тўрт учрашувдан сўнг ҳисоб 16:16 бўлди.

Дастурнинг кейинги учрашувида («Ким чаққон») «Ёғду» командаси яна чаққонлик , ҳамжиҳатлик кўрсатди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари йўл қўйилган битта хатони ҳисобга олиб, 8 балл беришди.

Хуллас, кейинги учрашувда — «Чаққонликда беллашайлик», ўғил болаларнинг «Арқон тортиш» дастурларида арнасойликлар яна 16 балл тўплашди. Қизлар ўртасидаги «Ҳажвий хоккей» ва «Акробатчи баскетболчилар» дастури дуранг натижа билан якунланди. Икки қиз ўртасидаги танлов мусобақасида «Омад» командаси вакили ғолиб чиқиб, 5 балл соҳибаси бўлди.

Учрашувда «Ёғду» командаси 50:31 ҳисобида ғалаба қозониб, кейинги давра мусобақаларида қатнашадиган бўлди.

Мусобақа қатнашчиларига Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Давлат Спорт қўмитасининг диплом ва эсдалик совринлари топширилди.

Биз Норин туманидаги мактаб директори Ҳабибулло Мелибоев, Арнасой туманидаги 5-мактаб директори Исоқ Жавлоновдан спорт оммавийлиги юзасидан қисқача ахборот беришларини илтимос қилдик.

Ҳ. Мелибоев: «Соғлом авлод учун» дастурини амалга оширишда «Қувноқ стартлар» мусобақалари муҳим ўрин тутади. Уқувчиларимиз спортнинг кўп турлари бўйича туман ва вилоят мусобақаларида совриндор бўлиб келишаётир. 1978-1979 уқув йилида ҳам уқувчиларимиз вилоят чемпионлари бўлишиб, республика «Қувноқ стартлар» мусобақасида қатнашган эдилар. Мазкур уқув йилида «Омад» командамиз туман ва вилоят чемпиони бўлишди. Мақсадимиз жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштиришдан иборат.

Исоқ Жавлонов: Болаларни спортга қизиқтириш, уларнинг шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиш зарур. Биз педагоглар мактаб жамоаси эътиборини шунга қаратганмиз. 1993 йилда Жиззах вилоятида ўтказилган бошланғич синф уқувчилари спорт фестивалида жамоамиз вакиллари фахрли 2 уринни эгаллашди. Уша йили мактабимизда уқитувчимиз Ботир Абдунасимов раҳбарлигида «Ёғду» командаси ташкил этилди. «Қувноқ стартлар» телемусобақасининг IV босқичида қатнашиб, иккинчи давра учрашувида иштирок этиш ҳуқуқини олган командамиз кейинги беллашувларда ҳам ютуққа эришишидан умидвормиз.

Биз спортни ривожлантиришда жонбозлик қилаётган педагогик жамоаларга омад тилаб қоламиз.

Ғ.МАННОПОВ

Yangi alifboni o'rganamiz



1 —11	3 —12	1 — 5	1 — 2	2 — 4	1 — 8
2 — 1	2 — 7	3 — 3	2 — 1	1 — 2	—
3 — 6	1 — 2	1 — 5	3 — 6	1 — 2	1 — 5
1 — 2	2 — 4	1 — 8	2 — 1	2 — 7	3 — 3
2 — 1	1 — 2	—	2 —10	2 — 7	3 — 9

ЁЗИНГ ВА ЎҚИНГ

Азиз ўқувчилар! Тасвирнинг остки қисмидаги рақамлар жуфтлигида XI асрда яшаб ижод этган туронзаминлик донишманд шоир Юсуф Хос Ҳожибнинг икки мисра ҳикматли сузи яширинган. Жуфтликдаги биринчи рақам тасвирнинг юқори қисмидаги айлана, иккинчиси эса ҳарф тартибини англатади. Шу асосда рақамларни ҳарфлар билан алмаштиринг ва буш хоналарга ёзинг. Сўнг қаторлар буйича ўқиш билан жумбоқдаги ибратли сўзларни билиб оласиз.

Фозилжон Орипов тузган.

Open Society Institute - Uzbekistan

invites participants for
Debate Program workshops

The aim of this competition is to select a group of educators who are willing to develop the Debate Program at their respective schools, the Open Society Institute (OSI) will provide technical and methodological assistance to the participants of the Program.

Based on the applications and interviews, OSI will select finalists and invite them to participate at two workshops. The first workshop will be conducted in Russian and the second will be in English. The workshops will introduce the selected trainees to the Debate Program and provide necessary skills and information. OSI expects that trainees will organize Debate teams, train them and serve as judges at Debate tournaments.

OSI will certify successful participants to train Debate teams and to judge Debate tournaments at regional and national levels.

To enter the competition applicants must:
- be teachers and/or school professionals working in Tashkent;
- be proficient in English;
- submit an application in English which includes:
  Name;
  Place of work;
  Position;
  Contact information;
  Statement of Purpose;
  An essay (of at least 200 words) about your knowledge about debates, how you use debates, discussions and other similar methods in the classroom;

The workshops are aimed to prepare trainers for Debate programs. OSI's Debate Program is aimed at young people of 15-17 years of age. The Program encourages participants to think critically, look at an issue from various angles, question assumptions, research facts, and develop logical arguments.

The workshops will be held on 5-7 of February 1999.

For further information please contact:
41, Ivlev str, Tashkent
Phone: (998 712) 55-61-60, 54-82-43, 120-68-54
E-mail: anvar@osi.freenet.uz

Deadline to submit the applications - 29 January 1999

ЭЪЛОН

ДП «Камолот куч» шўъба корхонасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади. Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саидолим АБДУРАҲМОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-029. Тиражи 53.629. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. «Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-19.40.